РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САТТАРОВА ДИАНА БАХТИЯРОВНА

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧЛАРИДА ПАРАЛИМПИЯ СПОРТЧИЛАРНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ КЛИНИК ВА ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАШ

14.00.38 – Спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

УЎК: 615.825:796.071.4:340.624.25

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саттарова Диана Бахтияровна
Тайёргарлик босқичларида Паралимпия спортчиларнинг
реабилитация дастурларини клиник ва функционал асослаш…… 3

Саттарова Диана Бахтияровна
Клинико-функциональное обоснование восстановительных
программ спортсменов-паралимпийцев на этапах подготовки…….. 27

Sattarova Diana Bakhtiyarovna
Clinical and functional substantiation of rehabilitation programs
for Paralympic athletes at the stages of preparation..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 56

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САТТАРОВА ДИАНА БАХТИЯРОВНА

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧЛАРИДА ПАРАЛИМПИЯ СПОРТЧИЛАРНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ КЛИНИК ВА ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАШ

14.00.38 – Спорт тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2970 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.olympic.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Усманходжаева Адибахон Амирсаидовна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Камилова Роза Толановна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Юлдашева Гулчехра Рустамовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. Тел/факс: (+99871) 241-52-45. e-mail.: medsport@gmail.com.

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 6-уй. Тел/факс: (+99871) 241-52-45, факс. (+99871) 241-30-93

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «____»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Мавлянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А. Хаджиметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда кўп йиллик паралимпия спортининг ривожланиш тарихи юксак натижалар ва паралимпиячиларнинг ғалабалари билан бойиган мустақил спорт ҳаракатига айланган. Ҳозирги вақтда профессионал спортчилар ва кўриш қобилияти чекланган паралимпиячиларнинг мусобақа натижалари орасидаги фарқ 30%дан ошмайди (А.Ж.Баймуханбетова, 2016). Бироқ, эришилган ютуқларга қарамай, паралимпия спорти ҳанузгача жуда юқори жисмоний юкламалар талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Ҳар йили кўриш қобилияти чекланган спортчиларнинг сони сезиларли даражада ошиб бормоқда, бу эса паралимпия спортининг ҳам ҳаваскор, ҳам профессионал даражада жадаллик билан ривожланишига олиб келмоқда. Шу сабабли, адаптив спорт йўналиши ҳам жадал ривожланиб, ҳар хил спорт турларида паралимпиячиларнинг кўриш функциясидаги чекловларни қоплаш имконини бермоқ долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда кўриш қобилияти чекланган спортчиларнинг юкламадан кейинги тикланиш ва реабилитация жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Swartz L, Hunt X, Bantjes J., 2019). Айниқса, якка кураш спорт турларида жумладан, парадзюдо йўналишида паралимпиячиларнинг морфометрик, фунционал, гемодинамик ва психоэмоционал кўрсаткичларини ўрганиш, ҳаёт сифатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотлар спортчиларнинг тайёргарлик босқичлари ва юкламадан кейинги даврда тикланиш жараёнларини ҳамда морфофункционал ҳолатини илмий ва амалий жихатдан чуқур ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда спорт тиббиётини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мос равишда модернизация қилиш, шунингдек, аҳолининг, жумладан, профессионал паралимпиячиларнинг турли этиологияга эга соматик касалликларининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022–2026-йилларга мўлжалланган еттита устувор йўналишига мувофиқ, “мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқаролар сонини ошириш, илғор ва инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда зарур инфратузилмани яратиш, Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш” [1] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда тайёрлик босқичларида паралимпия спортчиларининг реабилитация дастурларини клиник ва функционал асослашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ҳамда оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2022–2026”, 2021-йил 5-ноябрдаги ПФ-5281-сон “Ўзбекистон спортчиларини Париж (Франция) шаҳрида ўтказиладиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-февралдаги ВМҚ-118-сон “2019–2023-йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналиши VI. "Тиббиёт ва фармакология"га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда узоқ хориж мамлакатларида паралимпия спортининг ривожланиш муаммоларига бағишланган кўплаб илмий нашрлар мавжуд (Y.Hutzler, C.Higgs, D.Legg, 2016; B.Smith et al., 2016). Паралимпияда мослашув жараёнлари ва кўриш функцияси бузилган паралимпиячиларнинг ижтимоий мослашуви масалалари ўрганилган (C.Blauwyet, S.E.Willick, 2012; J.Winnick, et al., 2016). Шунингдек, кўриш қобилияти чекланган спортчиларнинг асаб тизимининг фунционал ҳолати, руҳий саломатлиги ва ҳаёт тарзи баҳоланган (D.Aras et al., 2018; K.Fagher, Ö.Dahlstrom, J.Lexell, 2022).

МДҲ мамлакатлари олимларининг илмий ишлари паралимпиячиларни реабилитация қилиш методологик асосларини ўрганишга бағишланган (П.А.Рожков, А.В.Царик, 2011; О.Э.Евсеева, 2016; Э.И.Аухдеев, 2018). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўриш қобилияти чекланган паралимпия спортчилари, хусусан, дзюдочиларнинг самарали мусобақавий фаолиятга психофизиологик тайёргарлиги учун нейродинамик хусусиятлар муҳим омил ҳисобланади (Л.В.Винокуров ва бошқ., 2021). Бошқа муаллифлар эса курашчиларнинг тайёргарлигида индивидуал ёндашув фақат типологик хусусиятларни ҳисобга олиш билан чекланиб қолмаслиги, балки психомотор ва жисмоний сифатларнинг даражаси ҳам инобатга олиниши лозимлигини таъкидлайдилар (И.П.Волкова ва бошқ., 2012; Л.Г.Левицкий, 2015; А.М.Сурков ва бошқалар., 2015).

Кураш спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш муаммолари ҳам ўрганилган (В.Э.Евгеньева ва бошқ., 2017; С.А.Барченко, 2019). Бироқ, кўриш қобилияти чекланган дзюдочи-паралимпиячиларни реабилитация қилиш ва жисмоний тайёрлашга бағишланган илмий ишлар етарлича эмас.

Ўзбекистонда адаптив спорт ҳолати ва жисмоний тарбия воситалари орқали ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий реабилитация қилишга оид

бир қатор илмий тадқиқотлар мавжуд (Р.А.Ибрагимов, 2017). Спортчиларнинг жароҳатланиш ҳолатлари, жумладан, дзюдочилар орасида спорт жароҳатлари тарқалиши ўрганилган (Н.Б.Турсунов, В.Р.Оздаева, 2017). Дзюдочиларнинг озуқавий ҳолатини баҳолаш бўйича омил (фактор) таҳлили ўтказилиб, комплекс баҳолаш дастури ишлаб чиқилган (Э.Х.Кирякиду, 2022).

Бироқ, Ўзбекистонда кўриш қобилияти чекланган дзюдочи-паралимпиячиларни жисмоний тиклаш дастурларининг самарадорлиги, шунингдек, уларнинг жисмоний, реабилитацион ва психологик тайёргарлиги хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Мазкур диссертацион тадқиқотнинг аҳамияти айнан шу йўналишда илмий асосланган материалларнинг етишмаслиги, шунингдек, кўриш қобилияти чекланган шахсларнинг спорт фаолиятида реабилитацион ва ижтимоий мослашувга хизмат қилувчи салоҳиятининг яхлитлиги ҳамда самарадорлигини таъминловчи илмий ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур иш Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида №03-4974 рақамли “Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига профилактик тиббий ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш” мавзусида (2018–2022-йиллар) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўриш қобилияти чекланган дзюдочи-паралимпиячиларни касбий тайёргарлик босқичларида комплекс жисмоний реабилитация дастурларини клиник-фунционал асослаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўриш қобилияти чекланган дзюдочи-паралимпиячиларнинг морфометрик кўрсаткичларини тайёргарлик босқичларида таққослаш асосида баҳолаш;

парадзюдочиларнинг гемодинамик параметрларини машғулот-мусобақа даврига мувофиқ таҳлил қилиш;

тадқиқот доирасидаги паралимпиячиларнинг психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини аниқлаш;

дзюдочи-паралимпиячилар учун юкламалардан кейинги тикланиш жараёнига мўлжалланган комплекс реабилитация дастурини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий паралимпия терма жамоаси таркибига кирувчи, юқори малакали профессионал дзюдочиларнинг фаолияти ўрганилган. Умумий тадқиқот иштирокчилари сони 54 нафар спортчини ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида дзюдочи-паралимпиячиларнинг морфофункционал ва гемодинамик параметрлари, психоэмоционал ҳолати ҳамда ҳаёт сифати хусусиятлари, шунингдек, комплекс реабилитация дастурини жорий этиш натижаларининг самарадорлиги ўрганилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда вазифаларни ҳал қилиш ва ишдаги асосий мақсадга эришиш учун, соматометрик, биоимпедансометрик, физиометрик, клиник-лаборатор, статистик ва таҳлилий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паралимпия дзюдочиларининг морфометрик, функционал, гемодинамик ва психо-эмоционал кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида жисмоний машқлардан кейинги тикланиш дастури ишлаб чиқилган;

касбий тайёргарлик босқичларида юқори малакали парадзюдочиларнинг анаэроб қобилиятлари даражасини ошириш билан биргаликда интервалли машғулотлар услубиятининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

параспортчиларни организмининг аэроб қуввати ва гликолитик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг морфометрик ва функционал кўрсаткичлари юкламадан кейинги тикланиш дастурини қўллашга табақалаштирилган ёндашувнинг самарадорлиги исботланган;

парадзюдо спортчиларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва стрессга чидамлилигига эришиш мақсадида кенг қамровли реабилитация дастурини қўллаш учун спортчиларининг психо-эмоционал ҳолатини ташхислаш ва ҳаёт сифатини баҳолаш зарурияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

дзюдочи-паралимпиячилар учун юкламадан кейинги реабилитация дастури ишлаб чиқилган;

паралимпиячи-дзюдочилар йиллик тайёргарлик давринининг барча босқичларида жисмоний юкламаларни коррекциялаш ва уларни назорат қилиш усуллари такомиллаштирилган;

кўриш қобилиятида бузилишлар мавжуд паралимпия-спортчилари морфометрик, функционал ва психо-эмоционал параметрларини баҳолашга илмий асосланган ёндашувлар негизида Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ихтисослаштирилган марказлар мурабий ва спорт тиббиёти шифокорлари фаолиятига амалий тавсиялар тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий асосланган назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилиши, тадқиқот жараёнининг илмий мезонларга мувофиқ тарзда ўтказилиши ва натижаларнинг тўғрилигини таъминловчи услубий ёндашувлар қўлланилиши, етарли миқдордаги паралимпиячиларнинг тадқиқотга жалб этилганлиги, замонавий ва ўзаро тўлдирувчи соматометрик, физиометрик, гемодинамик, аналитик ҳамда статистик тадқиқот усулларининг қўлланилиши, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишларидаги натижалар билан солиштирилган ҳолда таҳлил ўтказилиши, ҳамда тадқиқот хулосалари ва олинган натижалар тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паралимпиячиларнинг жисмоний иш қобилиятини оширишга қаратилган инновацион тикланиш технологиясининг

илмий асосланиши билан боғлиқ. Тадқиқотда юкламадан кейинги тикланиш жараёнига янги ёндашув ишлаб чиқилиб, у паралимпия спортчилари организмининг фунционал имкониятларини янада самарали қўллашга ёрдам беради. Ушбу ёндашув, айниқса, юқори малакали спортчиларни реабилитация қилиш ва уларнинг мусобақага тайёргарлигини такомиллаштиришга муҳим аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, паралимпия спортчиларининг ҳаёт сифатини баҳолашга мўлжалланган махсус сўровнома моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Бундан ташқари, дзюдочи-паралимпиячилар учун юкламалардан кейинги мажмуавий реабилитация дастури ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, бу эса спортчиларнинг миллий ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик жараёнида жисмоний юкламаларни самарали назорат қилиш имконини беради. Ушбу дастур спортчилар организмининг тикланиш жараёнини такомиллаштириш ҳамда уларнинг умумий фунционал кўрсаткичларини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши. Спорт тайёргарлиги босқичларида паралимпиячиларни тикланиш дастурларининг клиник-фунционал асосланиши натижасида:

биринчи илмий янгилик: паралимпия дзюдочиларининг морфометрик, функционал, гемодинамик ва психо-эмоционал кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида жисмоний машқлардан кейинги тикланиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/359-т-сон қарори билан тасдиқланган “Паралимпиячи дзюдочиларнинг юкламадан кейинги даврда такомиллаштирилган тикланиш дастури алгоритми ва унинг функционал имкониятлари ва ҳаёт сифати параметрларига самарадорлиги” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Дастур Тошкент шаҳар Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг 2024-йил 30-сентябрдаги 635-сон ҳамда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Андижон филиалининг 2024-йил 17-сентябрдаги 681-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024-йил 13-ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мултидисциплинар ва шаҳсийлаштирилган ёндашув, паралимпиячиларнинг тайёргарлик сифатини мониторинг қилиш ва юкламадан кейинги даврда спортчиларни умумий ва хусусий иш қобилиятини кўрсаткичларини яхшилашни ва интенсив жисмоний юкламалар пайтида энергия ресурсларини самарали бошқаришни таъминлайди. Касбий тайёргарлик цикллари ўртасида тикланиш жараёнларини самарали ўтказишга асос бўлганлигини аниқлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* стандарт тикланиш протоколини (СТП) олган бир нафар паралимпиячи учун ҳаражатлар 2005000 сўмни, такомиллаштирилган тикланиш протоколи (ТТП) – 2720000 сўмни ташкил этди, ҳамда СТП ва ТТП иштирокчиларининг якуний ҳаражатлари терапиянинг салбий натижалари коэффитциентини ҳисобга олган ҳолда 6435000 сўмгача иқтисод қилиш имконини берган. Такомилаштирлган протоколи кўзи ожиз

дзюдочилар ўртасида меҳнатга лаёқатсизлик ва жароҳатланиш хавфини камайтиришга имкон яратган;

иккинчи илмий янгилик: касбий тайёргарлик босқичларида юқори малакали парадзюдочиларнинг анаэроб қобилиятлари даражасини ошириш билан биргаликда интервалли машғулотлар услубиятининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган. Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/359-т-сон қарори билан тасдиқланган “Парадзюдочиларнинг юкламадан кейинги даврда такомиллаштирилган тикланиш дастури алгоритми ва унинг функционал имкониятлари ва ҳаёт сифати параметрларига самарадорлиги” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/359-т-сон маълумотномаси). Услубий тавсиянома Тошкент шаҳар Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг 2024-йил 30-сентябрдаги 635-сон ҳамда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Андижон филиалининг 2024-йил 17-сентябрдаги 681-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024-йил 13-ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Машғулот жараёнига тадбиқ этилган услуб паралимпиячиларнинг жисмоний тайёргарлигини бошқариш ҳамда юкламадан кейинги тикланиш дастурини шаҳсийлаштириш орқали спортчиларнинг аэроб заҳиралари ва анаэроб қуввати сезиларли даражага оширилди, бу эса жисмоний юкламаларни оптимал бошқариш ва тикланиш жараёнларини самарали ўтказиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадбиқ этилган такомиллаштирилган тикланиш протоколи (ТТП) бўйича ҳар бир паралимпиячининг тикланиш харажати иқтисодий самарадорлиги 625000 сўмгача ташкил қилди ва лаёқатсизлик топилган кунларни йил мобайнида 15 фойизгача қисқартирилганини аниқлади;

учинчи илмий янгилик: параспортчиларни организмининг аэроб қуввати ва гликолитик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг морфометрик ва функционал кўрсаткичлари юкламадан кейинги тикланиш дастурини қўллашга табақалаштирилган ёндашувнинг самарадорлиги исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/359-т-сон қарори билан тасдиқланган “Паралимпиячи дзюдочиларнинг юкламадан кейинги даврда такомиллаштирилган тикланиш дастури алгоритми ва унинг функционал имкониятлари ва ҳаёт сифати параметрларига самарадорлиги” услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/359-т-сон маълумотномаси). Услубий тавсиянома Тошкент шаҳар Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг 2024-йил 30-сентябрдаги 635-сон ҳамда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Андижон филиалининг 2024-йил 17-сентябрдаги 681-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024-йил 13-ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мултидисциплинар ва индивидуаллаштирилган ёндашув, паралимпиячиларнинг тайёргарлик

сифатини мониторинг қилиш ва юкламадан кейинги даврда спортчиларнинг жисмоний тикланиш дастурини ташкил этиш аэроб заҳираларни, анаэроб қувват кўрсаткичларини яхшилашни ва интенсив жисмоний юкламалар пайтида энергия ресурсларини самарали бошқаришни таъминлайди, спортчиларнинг иш фаолиятини сезиларли даражада яхшилайди ва касбий тайёргарлик босқичлари ўртасида самарали тикланишни таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* стандарт тикланиш протоколи (СТП) бўйича ҳар бир паралимпиячининг тикланиш харажати 2005000 сўм, такомиллаштирилган тикланиш протоколи (ТТП) бўйича эса 2 720 000 сўмни ташкил этди. СТП ва ТТП иштирокчилари бўйича умумий ҳаражатлар (салбий терапия натижаларининг коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда) 6 435 000 сўмгача камайтирилди, натижада ТТП жорий этилиши кўриш қобилияти чекланган дзюдочиларда ногиронлик ва жароҳат олиш хавфини пасайтиришга хизмат қилиши исботланган;

тўртинчи илмий янгилик: парадзюдо спортчиларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва стрессга чидамлилигига эришиш мақсадида кенг қамровли реабилитация дастурини қўллаш учун спортчиларининг психо-эмоционал ҳолатини ташхислаш ва ҳаёт сифатини баҳолаш зарурияти аниқланган. Ушбу услубий тавсиянома Тошкент тиббиёт академиясининг Эксперт кенгаши томонидан №08-24/359-т (22 август 2024 йил) қарори билан тасдиқланган методик тавсияларга киритилди ва Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларини тайёрлаш маркази (Тошкент) №635 (30 сентябр 2024 йил) ва Андижон филиалидаги Республика илмий-амалий спорт тиббиёти маркази №681 (17 сентябр 2024 йил) буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган мажмуавий реабилитация дастури юқори малакали спортчиларни саломалигини баҳолаш уни касбий фаолиятини жисмоний ва руҳий барқарорликни ривожлантиришга ва спортчининг захира салоҳиятини ва ютуқларга эришишни оширишга қодир бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадбиқ этилган спортчиларни такомиллаштирилган тиббий протоколи (ТТП) халқаро QALY (quality adjusted life year) тиббий усулларни афзаллигини баҳолаш формуласи орқали ўзини самарадорлигини хар бир спортчини бир йил мобайнида саломатлигини ва ҳаётини сифатини фойдали қийматини 50% гача оширишни кўрсатди ва 30% қайта тиклаш дастурида иқтисодий фойдасини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда тақдим этилган, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика миқёсида муҳокама қилинган. Анжуманларда ўтказилган изланишларни натижалари бўйича илмий ҳамжамият билан фикр алмашилди, олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг таклиф ва тавсиялари инобатга олинди ҳамда олинган маълумотларни илмий ва амалий аҳамияти тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та (3 та республика журналлари, 2 та хориж журналида) мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, натижалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари аниқлаб берилган. Ушбу тадқиқот Республикада илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, спортда ва амалиётда қўллаш натижалари, нашр қилинган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган. Паралимпия спортчиларининг жисмоний тайёргарлиги ва муваффақиятида юклама сўнгги тикланиш жараёнининг аҳамияти акс эттирилган.

Биринчи боб: «Кўриш қобилияти чекланган профессионал спортчиларнинг реабилитация ва ижтимоийлашув потенциалини шакллантиришга модернизация қилинган ёндашув (адабиётлар шарҳи)»

Биринчи бобда паралимпия спортчиларининг морфологик ва функционал модели хусусиятлари, кўриш қобилияти чекланган дзюдочиларнинг психологик муаммолари, реабилитация ва ижтимоийлашув потенциали (РИП), адаптив жисмоний тарбия (АЖТ)нинг асосий назарий концепциялари ҳақида адабиёт маълумотлари келтирилган. АЖТнинг паралимпиячилар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берувчи воситалари (психотерапия) тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган. Паралимпиячиларнинг жисмоний тайёргарлик дастурларида РИП протоколларини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилишга катта эътибор қаратилган. Жисмоний юкламаларнинг юқори даражаси ва касалликлар, жароҳатлар, психоэмоционал ҳолат, уйқу ва оғриқ синдроми хавфини ошириши ўртасидаги боғлиқликни тасдиқловчи бир қатор илмий тадқиқотлар келтирилган. Паралимпия спортчиларининг соғлиғи, жароҳатлар сони ва тайёргарлик дастурларининг сифат ва самарадорлиги каби йўналишлардаги мониторинг жараёнларида РИП дастурларини қайта ташкил этиш зарурати қайд этилган.

Иккинчи боб: «Тадқиқот материаллари ва услублари». Иккинчи бобда тадқиқот объектлари, ҳажми ва услублари келтирилган. Тадқиқот 2020–2023 йилларда Тошкент тиббиёт академияси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика илмий-амалий спорт тиббиёти маркази базасида ўтказилди. Тадқиқотга Паралимпия миллий терма жамоаси таркибидаги 54 нафар кўзи ожиз дзюдочи-паралимпиячи жалб қилинган, уларнинг 20 нафари аёллар (ўртача ёш – 24,1±17) ва 34 нафари эркаклар

(ўртача ёш – 27,4±3,1), умумий ёш 24±3,1 йил бўлиб, ёш доираси 19-32 йилни ташкил этади. Паралимпиячиларни кузатиш муддати ўртача 12,0±1,5 ойни ташкил этди. Дзюдочиларнинг вазн категориялари ва кўриш қобилиятининг бузилиш синфини International Blind Sports Federation (IBSA) классификатори ёрдамида аниқлаштирилди. I гуруҳ 27 (50%) дзюдочидан иборат бўлиб, улар стандарт постюклама тикланиш дастури (СПТ) бўйича 46 ҳафталик мусобақа тайёргарлик босқичидан ўтди. II гуруҳдаги 27 (50%) дзюдочи мукаммаллаштирилган постюклама тикланиш дастури бўйича тайёргарлик ўтказди.

Учинчи боб: «Парадзюдочиларнинг морфометрик таърифини таҳлил қилиш натижалари». Учинчи бобда кўзи ожиз паралимпия дзюдочиларининг морфометрик кўрсаткичлари жинси, ёши, IBSA синфи ва жисмоний юкламалардан кейинги тикланиш хусусиятига қараб таҳлил қилинганда аҳамиятли фарқлар аниқланмади (p=0,451).

1-жадвал

Тадқиқот қатнашчилари орасида ТВИ таҳлили (жинсга боғлиқ ҳолда)

Кўрсаткич	Категориялар	ТМИ (кг/м2)			p
		M ± SD	95% ИИ	n	
Қатнашчилар жинси	Эркаклар	27,18 ± 2,08	26,45 – 27,90	34	0,036
	Аёлар	25,18 ± 3,71	23,45 – 26,92	20	

Тадқиқот қатнашчилари орасида тана вазни индекси (ТВИ) параметрлари таҳлили статистик аҳамиятли фарқларни кўрсатди (p = 0,036, Уэлч т-критерияси). Эркаклар учун ўртача ТВИ 27,18 ± 2,08 кг/м² ни ташкил этди, аёлларда эса бу кўрсаткич пастроқ бўлиб, 25,18 ± 3,71 кг/м² ни ташкил қилди. Ушбу маълумотлар машғулот дастурларини оптималлаштиришда инобатга олиниши мумкин (1-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот қатнашчилари орасида Эрисман индексини жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш

Кўрсаткич	Категориялар	Эрисман Индекси (бирлик)			p
		Me	$Q_1 – Q_3$	n	
Қатнашчилар жинси	Эркаклар	9,25	7,00 – 11,75	34	< 0,001
	Аёлар	4,15	2,69 – 5,42	20	

Эрисман индексини таҳлил қилишда эркаклар ва аёллар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (p<0,001, Манн-Уитни U-критерияси). Эркаклар учун Эрисман индексининг медиана кўрсаткичи 9,25 бирликни, аёллар учун эса 4,15 бирликни ташкил этди. Ушбу натижа эркакларда тана тузилишида сезиларли ўзгаришлар борлигини кўрсатиши мумкин, бу эса уларнинг спорт салоҳияти ва жисмоний тайёргарлигини баҳолашда аҳамиятга эга бўлиши мумкин (2 -жадвал).

Кўкрак қафаси қамрови кўрсаткичларини таҳлил қилишда эркаклар ва аёллар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (p<0,001, Манн-Уитни U-критерияси).

Тадқиқот қатнашчилари орасида тана ёғ массаси индекси кўрсаткичларини жинсга боғлиқ ҳолда солиштиришда статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (p = 0,052). (3- жадвал).

3-жадвал

Тадқиқот қатнашчилари орасида тана ёғ массаси кўрсаткичларидаги фарқларни жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш

Кўрсаткич	Категориялар	Ёғ компоненти индекси (%)			P
		M ± SD	95% ИИ	n	
Қатнашчилар жинси	Эркаклар	17,60 ± 7,88	14,85 – 20,35	34	0,052
	Аёлар	13,50 ± 6,24	10,57 – 16,42	20	

Тадқиқот қатнашчилари орасида мушак массаси индекси параметрларини жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилишда ҳам статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (p=0,43 Манн-Уитни U-критерияси). (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқот қатнашчилари орасида мушак массаси индекси параметрларидаги фарқларни жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш

Кўрсаткич	Категориялар	Мушак компоненти индекси (%)			p
		Me	$Q_1 – Q_3$	n	
Қатнашчилар жинси	Эркаклар	83,45	77,20 – 86,75	34	0,430
	Аёлар	82,5	80,12 – 87,35	20	

Гендерга боғлиқ ҳолда паралимпиячиларнинг морфометрия кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида бир қатор параметрларда аҳамиятли фарқлар аниқланди. Тана вазни индекси (ТВИ) таҳлилида жинслар ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги кўрсатилди (p = 0,036), бунда эркакларда ТВИ юқори бўлиб, бу эркаклар ва аёллар тана таркибидаги фарқлардан далолат бериши мумкин. Шунга ўхшаш фарқлар Эрисман индекси (p <0,001) ва кўкрак қафаси, елка ва оёқ томирлари қамрови параметрларида ҳам кузатилди (p <0,001), бу кўрсаткичлар эркакларда юқори бўлган. Аксинча, сон қамрови ва тана ёғи массасидаги фарқлар эркаклар ва аёллар ўртасида статистик аҳамиятга эга бўлмади (p = 0,652 ва p = 0,052 мувофиқ равишда), бу ушбу параметрлардаги кичикроқ фарқлардан далолат бериши мумкин.

Шундай қилиб, натижалар шуни кўрсатадики, паралимпиячиларнинг ёши антропометрия ва функционал кўрсаткичлар, масалан, оёқ-сон айлана қамрови ва Эрисман индексини қисман таъсирлаши мумкин, аммо кўп ҳолларда ўзаро боғлиқлик кучсиз ёки аҳамиятсиз.

Бу спортчиларнинг ёш тоифаларинигина эмас, балки уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди, бу эса

уларнинг жисмоний ҳолатини аниқроқ баҳолаш ва машғулот жараёнини режалаштириш учун зарурдир.

Тўртинчи бобда «Тайёргарликнинг турли босқичларида парадзюдочиларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларининг комплекс баҳолаш натижалари» юклама тестлари таҳлили натижалари келтирилган. Эркакларда биринчи босқичда кислород максимал истеъмоли (КМИ) 49,85 мл/кг ни ташкил этган бўлса, иккинчи босқичда 48,35 мл/кг га тушган, бу 3% лик пасайишга тўғри келади. Учинчи босқичда КМИ 50,92 мл/кг (49,26–52,89) га кўтарилиб, иккинчи босқич кўрсаткичидан 5,0% юқори бўлган. Аёлларда ҳам шу каби тенденция кузатилди: биринчи босқичда КМИ 49,34 мл/кг бўлса, иккинчи босқичда 48,42 мл/кг га тушиб, 1,9% пасайишни кўрсатган, кейин учинчи босқичда 50,73 мл/кг га кўтарилиб, иккинчи босқичдан 4,8% юқори бўлган. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги натижаларни таққослаганда учала босқичда ҳам статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади: p=0,680, p=0,851 ва p=0,964 (Манн-Уитни критерийси бўйича).

Анаэроб оксидланиш чегарасидаги тезлик кўрсаткичлари (АОЧ) тезлик) қуйидагича ўзгарган: эркакларда иккинчи босқичда кўрсаткич 29,87 км/соат (95% ишончли интервал: 28,98–30,77) дан 29,10 км/соат (28,22–29,97) га тушиб, 2,6% пасайишни кўрсатган, кейин учинчи босқичда 29,62 км/соатга кўтарилиб, 1,8% ўсиш қайд этилган. Аёлларда ҳам ўхшаш натижа кўрилган – 30,12 км/соат (28,53–31,71) дан 29,01 км/соат (27,55–30,46) га тушиб, 3,7% пасайиш кузатилган, кейин 29,73 км/соатга (+2,5%) кўтарилган. Жинслар ўртасидаги фарқлар шунингдек аҳамиятли эмаслиги аниқланган: p=0,764, p=0,905 ва p=0,889. (5-жадвалга қаранг).

5- жадвал

Тадқиқот қатнашчилари орасида АОЧ тезлик кўрсаткичлари динамикасининг жинсга боғлиқ ҳолда таҳлили


Иштирокчиларнинг жинси	Кузатув босқичлари						p
	АОЧ(speed) 1		АОЧ(speed) 2		АОЧ(speed) 3		
	M ± SD	95% ДИ	M ± SD	95% ДИ	M ± SD	95% ДИ	
Эркаклар (n=34)	29,87 ± 2,56	28,98 – 30,77	29,10 ± 2,50	28,22 – 29,97	29,62 ± 2,52	28,74 – 30,50	<0,001
Аёллар (n=20)	30,12 ± 3,40	28,53 – 31,71	29,01 ± 3,10	27,55 – 30,46	29,73 ± 3,14	28,26 – 31,20	<0,001
p	0,764		0,905		0,889		–

Анаэроб оксидланиш чегарасидаги қуввати (АОЧ) кўрсаткичлари динамикасини жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш натижасида эркакларда қувватнинг 189,01 Вт (95% ишончли интервал: 186,61–191,42) дан 187,58 Вт (185,26–189,89) га тушгани ва бу 0,8% пасайишни ташкил этгани, кейин 189,09 Вт га қайта тиклангани, яъни 0,8% ўсиш қайд этилган. Аёлларда ҳам ўхшаш ҳолат кузатилган: қувват 188,26 Вт дан 186,88 Вт га тушиб, 0,7%

пасайган, кейин 188,57 Вт (+0,9%) га кўтарилган. Жинслар ўртасида фарқлар аниқланмади: p=0,699, p=0,715 ва p=0,798.

Шунингдек, тадқиқот қатнашчиларида жисмоний юкламадан сўнг 10 дақиқадан кейин қондаги лактат кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинди. Эркакларда иккинчи босқичда лактат даражаси 6,63 ммоль/л (квартил диапазон 6,06–8,00) дан 9,59 ммоль/л (8,02–10,68) га, яъни 44,6% га ўсди, кейин учинчи босқичда 7,04 ммоль/л га тушиб, 26,6% камайиш кузатилди. Аёлларда ҳам ўсиш кузатилиб, лактат даражаси 7,11 ммоль/л (6,35–8,33) дан 9,34 ммоль/л (8,80–10,03) га, яъни 31,4% га кўтарилди, кейин 7,10 ммоль/л га тушиб, 24% камайди. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас эди (p = 0,5).

Графикда иккинчи босқичда юкламадан сўнг лактат даражасининг кескин кўтарилиши ва учинчи босқичда пасайиши намойиш этилган (1-расм).




1-расм. Тадқиқот қатнашчилари орасида жинс кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда юкламадан 10 дақиқа ўтгач қондаги лактат даражаси динамикаси таҳлили

Жисмоний юкламадан сўнг 10 дақиқадан кейин қондаги глюкоза даражаси динамикаси жинс кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди. Шу тариқа аниқландики, эркакларда юкламадан 10 дақиқа ўтгач глюкоза даражаси 4,87 ммоль/л дан иккинчи босқичда 5,79 ммоль/л га кўтарилиб, 18,9% ўсди, кейин учинчи босқичда 5,06 ммоль/л га тушиб, 12,6% камайди. Аёлларда ҳам шу каби динамика кузатилиб, глюкоза даражаси 4,86 ммоль/л дан 5,68 ммоль/л га кўтарилиб, 16,8% ўсиш кузатилди, кейин 5,09 ммоль/л га тушиб, 10,4% камайди. Эркаклар ва аёллар ўртасида фарқлар аниқланмади: p=0,985, p=0,516 ва p=0,884.

Графикда иккинчи босқичда юкламадан сўнг глюкоза даражасининг кескин ўсиши ва учинчи босқичда пасайиши кўрсатилган, бу, бир томондан, иштирокчиларнинг жинси ўртасида аҳамиятли фарқ йўқлигини, иккинчи

томондан, АОЧ га етишганда глюкоза даражасининг кузатув босқичига боғлиқ равишда ўзгаришларини намойиш этади (2-расм).



2-расм. Тадқиқот қатнашчилари орасида жинс кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда юкламадан 10 дақиқа ўтгач қондаги глюкоза даражаси динамикаси таҳлили

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил паралимпиячи дзюдочиларнинг турли функционал кўрсаткичларида жинсга боғлиқ ҳолда ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Эркакларда максимал кислород истеъмоли (МКИ) 10,1% га (49,85 дан 50,92 мл/кг/мин гача), аёлларда эса 9,4% га (49,34 дан 50,73 мл/кг/мин гача) ошган, бироқ эркаклар ва аёллар гуруҳлари ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади ($p>0,05$). Анаэроб оксидланиш чегараси (АОЧ) кўрсаткичи эркакларда биринчи босқичдан иккинчи босқичга 0,2% га пасайиб (147,44 дан 146,05 зарб/мин гача), кейин учинчи босқичда 0,7% га ошган (147,09 зарб/мин гача). Аёлларда ҳам шу каби динамика кузатилиб, 0,9% га пасайиш (147,47 дан 146,08 зарб/мин гача) ва 0,6% га кўтарилиш (146,95 зарб/мин гача) қайд этилди. Жинслар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар топилмади ($p>0,05$).

Анаэроб оксидланиш чегараси тезлик кўрсаткичлари эркакларда биринчи босқичдан иккинчи босқичга 2,6% га камайиб (29,87 дан 29,10 км/соат гача), кейин учинчи босқичда 1,8% га ошган (29,62 км/соат гача). Аёлларда бу кўрсаткич 3,7% га пасайган (30,12 дан 29,01 км/соат гача) ва 2,5% га ошган (29,73 км/соат гача), жинслар ўртасида фарқлар аниқланмади ($p>0,05$).


АОЧ қувват кўрсаткичи эркакларда 0,8% га камайиб (189,01 дан 187,58 Вт гача), кейин 0,8% га ошган (189,09 Вт гача), аёлларда эса 0,7% га пасайиб (188,26 дан 186,88 Вт гача) ва 0,9% га ошган (188,57 Вт гача). Жинсга боғлиқ фарқлар топилмади ($p>0,05$).

Юкламадан сўнг 10 дақиқадан кейин лактат концентрацияси таҳлилида эркакларда 44,6% га (6,63 дан 9,59 ммоль/л гача) ва аёлларда 31,4% га (7,11 дан 9,34 ммоль/л гача) ошиш кузатилган, кейинчалик эркакларда 26,6% га (7,04 ммоль/л гача) ва аёлларда 24% га (7,10 ммоль/л гача) пасайган. Жинслар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади ($p> 0,05$).

Юкламадан сўнг 10 дақиқадан кейин глюкоза даражаси эркакларда 18,9% га (4,87 дан 5,79 ммоль/л гача) ошиб, кейин 12,6% га пасайган (5,06 ммоль/л гача). Аёлларда 16,9% га ошиш (4,86 дан 5,68 ммоль/л гача) ва 10,4% га пасайиш (5,09 ммоль/л гача) кузатилди. Жинслар ўртасида статистик фарқлар аниқланмади (p> 0,05).

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, паралимпиячи дзюдочиларнинг асосий функционал кўрсаткичлари машғулот жараёни ва мусобақалар давомида сезиларли ўзгаришларни намойиш этди, бироқ ушбу ўзгаришлар иштирокчиларнинг жинсига боғлиқ эмас.

Бизнинг тадқиқот шароитида халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин кўзи ожиз дзюдочиларнинг АОЧ кўрсаткичлари ўртача 49,03±6,26 мл/кг/мин ни ташкил этди. Мусобақа даври тугагандан сўнг АОЧ ни баҳолашда ўртача кўрсаткич 48,28±6,26 мл/кг/мин бўлди. Юкламадан сўнгги тикланиш (ЮТ) тугаганидан сўнг АОЧ даражаси қўлланилган қайта тиклаш протоколига боғлиқ ҳолда статистик аҳамиятга эга бўлган фарқларни кўрсатди. Шундай қилиб, стандарт қайта тикланиш протоколи (СҚТП) олган дзюдочилар орасида АОЧ даражаси 49,83±4,70 мл/кг/мин ни ташкил қилган бўлса, такомиллаштирилган қайта тикланиш протоколи (ТҚТП) олган спортчилар гуруҳида АОЧ даражаси 51,23±4,12 мл/кг/мин ни ташкил этди (p=0,048) (3-расм).



3-расм. КМИ кўрсаткичларининг ЮҚТ протоколига боғлиқ ҳолда таҳлили

[1]КМИ 1– халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин максимал кислород истеъмоли даражаси;

[2]КМИ 2– мусобақа даври тугагандан сўнг максимал кислород истеъмоли даражаси;


[3]КМИ 3– ЮҚТ (юклама сўнгги тикланиш) тугагандан сўнг максимал кислород истеъмоли даражаси.

Тадқиқотда иштирок этганлар орасида КМИ кўрсаткичларининг салмоқ категориясига боғлиқ равишда ўтказилган қиёсий таҳлил статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқламади. Лекин тайёргарликдан то ЮҚТ дастуридан чиқишгача бўлган барча босқичларда энг яхши КМИ

кўрсаткичлари 81 кг ва 100 кг гача бўлган салмоқ категориясидаги дзюдочиларда аниқланди ва 50 мл/кг/мин дан ошди.

ТҚТП ўтказган тадқиқот қатнашчилари КМИнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлдилар, бу эса ЮҚТ дастурларини қайта ташкил қилиш зарурлигини кўрсатади ва ТҚПТ протоколининг самарадорлигини ҳамда унинг паралимпиячилар организмдаги кислород транспорт тизимига таъсирини баҳолаш имконини беради.


Тадқиқот қатнашчилари орасида АОЧ анаэроб фаолият кўрсаткичлари анча юқори даражада қайд этилди, лекин статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларга эга бўлмади ва 145 уд/мин дан паст бўлмади. АОЧspeed билан боғлиқ тезкорлик жисмоний параметрлари ЮҚТ протоколларидаги фарқларга қарамай, статистик аҳамиятли фарқларга эга бўлмади. АОЧpower кўрсаткичларида статистик аҳамиятли фарқлар ЮҚТ протоколи якунланганидан сўнг аниқланди. ТҚТП ўтказган дзюдочилар гуруҳида АОЧpower ўртача қиймати 189,02±6,70 Вт ни ташкил этди, бу СҚТП ўтказган спортчилар гуруҳидан яхшироқ натижа бўлди — 186,78±6,78 Вт. Шундай қилиб, тадқиқот якунланишига келиб, ТҚТП протоколи бўйича ўтган паралимпиячилар гуруҳида кучнинг чегаравий қиймати юқори бўлди (4-расм).



4-расм. ПВ протоколига боғлиқ равишда АОЧ таҳлили

[1]АОЧ 1 – Халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин анаэроб алмашинув чегараси; [2]АОЧ 2 – мусобақалар даври якунланганидан кейин анаэроб алмашинув чегараси; [3]АОЧ 3 – ЮҚТП якунланганидан кейин анаэроб алмашинув чегараси; [4]АОЧspeed 1 – Халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин тезкорлик кўрсаткичларининг чегара қиймати; [5]АОЧspeed 2 – мусобақалар даври якунланганидан кейин тезкорлик кўрсаткичларининг чегара қиймати; [6]АОЧspeed 3 – ҚТ якунланганидан кейин тезкорлик кўрсаткичларининг чегара қиймати; [7]АОЧОpower 1 – Халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин қувват кўрсаткичларининг чегара қиймати; [8]АОЧpower 2 – мусобақалар даври якунланганидан кейин қувват кўрсаткичларининг чегара қиймати; [9]АОЧpower 3 – ЮҚТП якунланганидан кейин қувват кўрсаткичларининг чегара қиймати.

Тадқиқот иштирокчилари орасида АОЧ юқори даражадага эришилганини инобатга олган ҳолда, жисмоний тайёргарлик даражаси қониқарли эканлигини, ҳам мусобақа даври бошланишидан олдин, ҳам якунлангандан сўнг, хулоса қилиш мумкин. Мусобақа давридан кейин ТҚТП олган гуруҳ анаэроб фаолият кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эга бўлди, бу эса жисмоний ҳолатнинг янги тайёргарлик даври олдидан яхшиланганлигини кўрсатади. Дзюдочилар орасида максимал юкланишга жавобан метаболик регуляция баҳоланганда, юкланишнинг максимал даражасига эришгандан 10 дақиқа ўтгач, лактатметрия ва қон глюкозаси кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Статистик аҳамиятли фарқ ЮТ якунлангандан сўнг аниқланди. Энг яхши натижа ТҚТП гуруҳида қайд этилди ва 6,49±1,06 ммоль/л (лактат) ва 4,90±0,67 ммоль/л (глюкоза) ташкил этди (5-расм).




5-расм. ҚТТга боғлиқ ҳолда АОЧга эришилгандан 10 дақиқа ўтгач қондаги лактат ва глюкоза концентрациясининг таҳлили

[1]Лактат 1 – Халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги лактат концентрацияси; [2]Лактат 2 – мусобақалар даври якунланганидан кейин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги лактат концентрацияси; [3]Лактат 3 – ЮТ якунланганидан кейин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги лактат концентрацияси; [4]Глюкоза 1 – Халқаро мусобақаларга тайёргарликни бошлашдан олдин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги глюкоза концентрацияси; [5]Глюкоза 2 – мусобақалар даври якунланганидан кейин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги глюкоза концентрацияси; [6]Глюкоза 3 – ЮТ якунланганидан кейин юкланишдан 10 дақиқа ўтгач қондаги глюкоза концентрацияси.

Зудокалар орасида метаболизмнинг функционал имкониятлари кўриш функцияси бузилиш даражаси ва салмоқ категориясига қараб баҳоланганда, муҳим фарқлар аниқланмади. АОЧга эришгандан сўнг қондаги лактат ва глюкоза концентрациясини таҳлил қилиш орқали юкланишнинг пиковий

қийматлари шароитида метаболизмнинг компенсацион функциясидаги фарқни аниқлаш имконияти пайдо бўлди. ТҚТП олган иштирокчиларда энергия ресурсларининг компенсация кўрсаткичлари самарали бўлиб, бу лактат концентрациясининг паст даражада эканлиги билан тасдиқланади. Бу кўрсаткич мушак толиқишининг даражасини кўрсатиб, мушак фаолиятининг яхшироқ тикланишидан далолат беради. Юкланиш тестлари давомида қон глюкозаси концентрациясига келганда, адекват компенсация ва нормал қийматларга қайтиш ҳолатлари қайд этилди. Аммо ТҚТП олган спортчилар гуруҳида қон глюкозаси концентрацияси анаэроб гликолиз орқали энергия алмашинувининг тез тикланишига мос келадиган даражада бўлди.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Паралимпиячиларнинг ҳаёт сифати ва психоэмоционал ҳолатини баҳолаш натижалари» ёритилган бўлиб, унда паралимпиячи дзюдочиларнинг ҳаёт сифати ва психик ҳолати таҳлили келтирилган. SF-12 анкета воситасида олинган маълумотлар, сўровнома ва ҳаёт сифатини баҳолаш параметрлари механизми орқали олинган натижалар таҳлилида, юкламадан сўнг тикланиш протоколи (ЮТП) ўтказишдан олдин иштирокчи гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқлар аниқланмади (6-расм).




6-расм. Тадқиқотда иштирок этганлар орасида ЮТП ўтказишдан олдин ҲС даражасининг таҳлили

Келтирилган жадвалга кўра, ППВ ўтказилишидан олдин тадқиқот иштирокчилари I ва II гуруҳлари ўртасида ҲС параметрлари жисмоний касбий функцияси (ЖКФ), жисмоний ижтимоий функцияси (ЖИФ), аҳамиятли касбий функцияси (АКФ), аҳамиятли ижтимоий функцияси (АИФ), эмоционал касбий функцияси (ЭКФ), эмоционал ижтимоий функцияси (ЭИФ), психик касбий функцияси (ПКФ) ва ҳаёт фаоллиги даражаларини солиштиришда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади (мос равишда p=0,630; p=0,727; p=0,387; p=0,117; p=0,751;

p=0,244; p=0,216; p=0,128). Аммо, тадқиқот иштирокчилари орасида ППВ ўтказишдан олдин ЖКФ, ЖИФ, ЭКФ ва ҲФ шкала кўрсаткичлари жисмоний саломатлиги (ЖС) ва касбий саломатлиги (КС) индексига тўғридан-тўғри таъсир этган ҳолда паст кўрсаткични шакллантиргани аниқланди (t-критерий Уэлч методи бўйича p=0,600).

